

COMPETENT APPROACH AS A CONCEPTUAL BASIS OF PEDAGOGICAL EDUCATION

MA Kuichieva

Biology teacher of Andijan regional center for retraining and advanced training of public educators

Competence can be expressed as a description of a person (character, personality quality, its component), a holistic education in the personality structure, a system of personality traits, situations (training, orientation, etc.) that arise as a result of acquiring knowledge, skills and abilities, but often knowledge is equal to.

КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСИ СИФАТИДА

М.А.Куйчиева

Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш ҳудудий маркази биология фани ўқитувчиси

Компетентлик шахс тавсифи (хусусият, шахс сифати, унинг компоненти), шахс тузилмасида яхлит таълим, шахс хусусиятлар тизими, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш натижасида юзага келувчи ҳолатлар (тайёргарлик, йўналтирилганлик ва бошқалар) сифатида ифодаланиши мумкин, кўпинча эса, компетентли билим ва тажриба билан тенглаштирилади.

Компетенциявий таълим назарияси тушунчаларининг мазмун-моҳиятини қуйидаги жадвал орқали изоҳлаш мумкин.

1.1-жадвал

№	Компетенциявий таълим назарияси тушунчалари	Тушунчаларнинг мазмун-моҳияти
1.	Компетентлик	инсоннинг (профессионал, жамият аъзоси, фуқаро ва ҳ.к.) у ёки бу ижтимоий ролни самарали амалга оширишга тайёргарлигини ифодаловчи шахснинг интеграл сифати ¹
2.	Касбий компетентлик	касбий фаолиятнинг нафақат у ёки бу соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш даражасини, балки жамиятда самарали хатти-ҳаракат қилиш малакасини акс эттирувчи шахс сифатларининг мажмуини ифодаловчи ишчи (мутахассис) шахсининг интеграл тавсифи
3.	Компетенция	инсоннинг касбий ва касбий бўлмаган фаолиятининг муайян вазифаларини унинг ички ва ташқи ресурслардан фойдаланиш асосида ечишга тайёргарлигида ифодаланувчи таълим натижаси
4.	Касбий компетенция	мутахассиснинг маълум касбий вазифаларни ички ва ташқи ресурслардан фойдаланиши асосида амалга оширишга тайёргарлигида ифодаланувчи касб таълими натижаси
5.	Махсус компетенция	маълум мутахассиснинг касбий фаолиятининг функционал ўзига хослигини тавсифловчи касбий компетенция кўриниши

Педагог-олим Н.Муслимов тадқиқотида компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва

малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланиши ёритилган.[1; 9-б.]. Мазкур ўринда «компетентлик» тушунчасининг моҳияти ҳам тўла очилади, у қуйидаги икки кўринишда намоён бўлади: компетентлик талабаларнинг шахсий сифатлари тўплами ҳамда касбий соҳанинг таянч талаблари сифатида.

Таълим мазмунининг ўқув режадаги фанлар блоклари (барча фанлар учун), фанлараро (фанлар тўплами учун) ва предметли (маълум бир фан учун) тарзда гуруҳланганлиги боис қуйидаги уч даражани намоён этувчи компетентликни эътироф этиб ўтамиз:

таянч компетентлик (таълимнинг гуманитар, ижтимоий-иқтисодий мазмунига кўра);

фанлараро компетентлик (умумкасбий тайёргарликнинг ўқув фанлари ва таълим блокларининг маълум доирлигига кўра);

битта предмет(фан) бўйича компетентлиги (махсус ўқув фани доирасида аниқ ва маълум имкониятга эгаллигига кўра)

Замонавий тадқиқотчилар хорижий таълим назарияси ва амалиётида компетенциявий ёндашувнинг тарқалишида қуйидагича қатор шарт-шароитларни ажратадилар:

1) компетенциявий таълимнинг ривожланишига компьютерлаштириш кўмаклашди. Компетенциявий таълим ахборот портлаши деб номланган жараёнда айниқса долзарб ҳисобланади.

2) «Компетентлик», «компетенция» тушунчалари касбий соҳаларда фойдаланилади.

Компетенциялар устида ишлаш – бутун дунё таълим тизимларининг таълимий натижалари ва ҳаётнинг замонавий талаблари ўртасидаги узилишларни бартараф этишга уринаётган йўналишдир. Таълимга компетенциявий ёндашув билимлар базаси, кўникмалар мажмуи, шунингдек, функционал саводхонлик элементларини ривожлантириш заруратини инкор этмайди. Бу ҳолатда интеграцияланган натижа, яъни компетентликни ривожлантириш назарда тутилади.

«Компетентлик» тушунчаси иқтисодиёт ва инсоннинг жадал суръатларда ўзгарувчан ҳаёт шароитларига мослашиш эҳтиёжидан юзага келган инсон захираларига янгича ёндашувнинг натижаси ҳисобланади. «Компетенция» тушунчаси эса таълим амалиётига киритишни, А.В.Хуторской таъкидлаганидек, мактаб учун одатий бўлган, ўқувчилар назарий билимлар мажмуини эгаллаб, маълум вазифалар ёки муаммоли вазиятларни ечишда сезиларли қийинчиликларни ҳис этишлари муаммосини ҳал этиш имконини беради [2].

Дунё миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепсиясида “бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш”¹ долзарб вазифа сифатида белгиланди. Бугунги кунда мактабларда таълим сифати унда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг қандай билимга эгаллиги яъни, касбий компетент кадр эканлигига боғлиқ. [3;2-3-б.]

Тадқиқотчи И.А.Зимняя томонидан компетенциявий ёндашув муаммоси бўйича тадқиқотларни умумлаштириб, унинг уч ривожланишининг босқичларини қуйидагича ажратилган:

биринчи босқич(1960-1970 йиллар) илмий аппаратга «компетенция» тоифасини киритиш билан тавсифланади;

иккинчи босқич(1970-1990 йиллар) она тилини ўқитиш назарияси ва амалиёти, бошқарув соҳасида «компетентлик» / «компетенция» тоифаларидан фойдаланиш билан тавсифланади;

учинчи босқич(1990-2001 йиллар) таълимда «компетентлик» / «компетенция» тоифаларидан фаол фойдаланиш билан тавсифланади [4].

1990 йиллардан компетенциявий ёндашувнинг талаб этилганлиги, ундан фойдаланиш таълим тизимидаги камчиликларни ҳамда унинг жамият эҳтиёжларига мос эмаслигини бартараф этишнинг истиқболли йўли сифатида, таълимнинг амалиёт билан ва жамиятнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан алоқадорлигини кучайтириш сифатида қаралган.

1980-1990 йилларнинг касбий таълим назарияси соҳасидаги тадқиқотлар таҳлиллари мазкур даврлардаги юзага келган касбий компетентликнинг моҳияти ва ролини аниқлаш мазмунидаги компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг уч йўналишларини ажратиш имконини беради.

Биринчи йўналиш – технологик йўналиш бўлиб, унинг доирасида мутахассиснинг касбий компетентлигини ривожлантиришда унинг касбий билим, кўникма ва малакаларини, касб йўналишига

мос ва технологик компетентлик таркибига кирувчи функционал компетенцияларни ривожлантириш сифатида ўрганилган.

Иккинчи йўналиш – шахсга йўналтирилган бўлиб, бўлажак мутахассисни умумтаълим, гуманитар тайёрлашда мустақил таълим, ахборотли, коммуникатив компетенциялари биринчи ўринга чиқади.

Икки йўналишни бирлаштирадиган йўналиш истиқболли ҳисобланади, касбий компетентли мутахассисни тайёрлашда махсус касбий, технологик, актуал, ижтимоий, фуқаролик каби барча компетентликлари билан яхлит шахсни ривожлантириш ҳисобланади. Шунингдек, касбий таълимда универсал ва махсус компетенциялар мажмуини ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

Замонавий таълим назарияси ва амалиётида компетенциявий ёндашувни ривожлантириш хусусиятлари қуйидагича:

- фан ва таълим амалиётида истиқболли йўналиш;
- касбий таълим тизимида жадал ривожланиш;
- «билимлар»дан «фаолият усуллари»га ўтишни назарда тутиш;
- кадрларни тайёрлашга аҳамиятли ресурслар ажратиш.

Касбий компетентлилик мутахассис фаолияти ва унинг ички тузилишини акс эттирган ҳолда касбий компетентлилик тузилмасининг асосий компонентларини тавсифлаш мумкин[5; 12-б.].

Универсал (умумий) компетенциялар - касбий соҳалардаги фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур асосий компетенциялар ажратилади.

Хорижий тажрибаларга асосланиб, қуйидаги универсал компетентликларни ажратадилар: мактабдан ташқари манбаларидан билимларни эгаллаш усуллари ўзлаштиришга асосланган мустақил билишга оид фаолият соҳасидаги компетентлик;

- фуқаролик-ижтимоий фаолият соҳасидаги компетентлик (фуқаро);
- ижтимоий-меҳнат фаолияти соҳасидаги компетентлик;
- маиший соҳадаги компетентлик;
- маданий-хордиқ фаолияти соҳасидаги компетентлик.

Тадқиқотчилар компетенциявий ёндашув асосий тушунчаларининг турли жиҳатларини қуйидаги 1.2-жадвалда тавсифланган (1.2-жадвалга қаранг):

1.2-жадвал.

Тадқиқотчиларнинг компетенциявий ёндашув асосий тушунчалари бўйича фикр-мулоҳазалари

№	Компетенциявий ёндашув тушунчалари	Тушунчаларнинг мазмун-моҳияти
1.	Компетентлик	муайян ижтимоий-касбий мавқедаги шахсларнинг билим, кўникма ва тажрибаларининг улар бажарадиган вазифалар ва ҳал этадиган муаммоларининг ҳақиқий мураккаблик даражасига мувофиқлик ўлчови; «компетентлик» тушунчаси мутахассиснинг фақатгина касбий билим ва кўникмаларини ифодаладиган «малака» тушунчасидан фарқ қилади
2.	Компетентлик	мутахассисга касбий саводли мулоҳаза, баҳо ва фикрларни ифодалашига имкон берувчи билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдир
3.	Компетентлик	бу таълимнинг алоҳида натижаси бўлиб, у билим ва кўникмаларни маълум вазиятларда қўллаш қобилияти билан боғлайди
4.	Компетентлик	бу ноаниқлик вазиятларида ҳатти-ҳаракат қилиш қобилияти, айнан шунга боғлиқ равишда улар технологиялар жадал ривожланаётган жамиятдаги таълим натижаси сифатида талабга эга ҳисобланади, бунда ишчи

		асосий талаблар янги технологиялар ва ролларни ўзлаштириш ва ноалгоритмли ҳатти-ҳаракатларни бажариш талаблари асосий ҳисобланади
5.	касбий компетентлик	касбий тайёргарликнинг интегратив сифат мезони сифатида меҳнат функцияларини бажаришнинг, меҳнат маданияти, шахслараро коммуникацияларнинг юқори даражаси, касбий муаммоларни ташаббускор ва ижодий ҳал этиш кўникмаси хос бўлган шахс сифатидир
6.	Компетенция	таниш ва нотаниш меҳнат вазиятларида билим, кўникма, муносабатлар ва тажрибани қўллаш қобилияти
7.	касбий компетентлик	– касбий таълимда субъект-субъектли ва субъект-объектли ёндашувларни интеграциялайдиган меъёрдир

Касбий компетентликни ривожлантириш– таъсир этиш субъекти мўлжал оладиган муайян стандартни назарда тутувчи таъсир этиш жараёни; муайян якунланганлик, стандартнинг муайян даражасига эришишни кўзда тутувчи жараён.

Касбий компетентликни ривожлантириш– бу бошқариладиган профессионалик шаклландиган жараён ҳисобланади, яъни, бу мутахассиснинг таълими ва мустақил таълимидир.

Демак, «Компетентлик» тушунчаси эса ўз ичига касбий, ижтимоий-педагогик, ижтимоий-психологик, ҳукукий ва бошқа тавсияларни интеграциялайдиган мураккаб, кенг ҳажмли мазмунни қиритишини англатади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования: для детей пед. спец. высш. учеб. заведений. 2-е изд. – М.: Просвещение, 1990. – С. 9.
2. Гоннова Н.В., Гурова И.В. К проблеме формирования методологической компетентности будущего учителя начальной школы в филологическом образовательном пространстве // Поволжский педагогический вестник. – 2018. – Т.6. – № 4 (21). – С. 30-35.
3. Дахин А.Н. Педагогическое моделирование и компетентность участников образования // Школьные технологии. – Москва, 2007. – № 6. – С. 64-73.
4. Лебедев О.Е. Компетентностный подход в образовании // Школьные технологии. – 2004. – № 5. – С.3-10.
5. Шодмонова Ш.С. Талабаларда мустақиллик тафаккурини ривожлантириш ва ривожлантириш. Монография. – Т.: 2001. – 12 б.